




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

**Микромолия ташкилотларининг
исломий молиялаштириш
хизматлари тўғрисида
ШАРҲ**

2026 йил I чорак якуни бўйича



Мазкур шарҳ орқали Ўзбекистонда микромолия ташкилотларининг **исломий молиялаштиришга оид хизматларининг** жорий ҳолати, соҳадаги асосий хизмат турлари, бозор ҳажми ва ўсиш динамикаси ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”**ги Қонунида микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақлилиги белгиланган. Шунингдек, **“Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида”**ги Низом (*рўйхат рақами 3536, 2024 йил 26 июль*) тасдиқланиб, микромолия ташкилотлари томонидан беш турдаги (*исломий ижара, муробаҳа, салам, музораба, мушорака*) исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатишга ҳуқуқий асос яратилди.

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги **Қонун** (*рўйхат рақами ЎРҚ-765-сон, 2022 йил 17 март*)

“Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида” ги **Низом** (*рўйхат рақами 3536, 2024 йил 26 июль*)

ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ОИД ХИЗМАТЛАР

Исломий ижара

Муробаҳа

Салам

Музораба

Мушорака

исломий ижара — бу микромолия ташкилоти томонидан мижознинг аризасига кўра сотиб олинган ёки ўзининг балансида бўлган истеъмол қилинмайдиган ашёларни (мол-мулкни) мижозга келишилган муддатга вақтинча эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топшириш;


насия савдога асосланган молиялаштириш (муробаҳа) — микромолия ташкилоти томонидан товарнинг харид нархи ва унга устама миқдорини қўшган ҳолда, товарни насияга сотиш орқали мижозни молиялаштириш;

олдиндан тўловга асосланган молиялаштириш (салам) — келажакда етказиб бериладиган товарлар ҳақини ушбу товарларни етказиб берувчига (мижозга) микромолия ташкилоти томонидан тўлиқ миқдорда олдиндан тўлаш орқали мижозни молиялаштириш;

фойдани тақсимлашга асосланган молиялаштириш (музораба) — микромолия ташкилоти томонидан фойда олиш мақсадида мижознинг тижорат фаолиятига пул маблағларини ажратиш орқали мижозни молиялаштириш;

шерикчилик — фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган молиялаштириш (мушорака) — микромолия ташкилоти томонидан бир ёки бир нечта иштирокчилар (мижозлар) билан биргаликда тижорат фаолиятини (шерикчиликни) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш орқали мижозни молиялаштириш.

Микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар ҳажми




2026 йилнинг I чорагида **4 та** микромолия ташкилотлари томонидан жами **11,2 млрд сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,8 млрд сўм** ёки **8 баробар кўп** **ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ОИД ХИЗМАТЛАР** кўрсатилди.


Бунда, **ташкилотлар кесимида**, “Апекс Молия” микромолия ташкилоти томонидан **7 млрд сўмлик** “Муробаҳа” ва **1,4 млрд сўмлик** “Исломий ижара”, “Аёл” ММТда **2,2 млрд сўмлик** “Музораба”, “Энтерпрайс Финанс” ММТда **670 млн сўмлик** ҳамда “Бизнесни ривожлантириш” ташкилотидан **9 млн сўмлик** “Муробаҳа” шартномаси доирасида исломий молия хизматлари кўрсатилган.

3-чизма

Ташкилотлар томонидан кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар ҳажми (млн. сўм)



Кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар тенденцияси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Маҳсулотлар кесимида 2026 йилнинг I чораги давомида жами кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар таркибидаги “Муробаҳа” хизматларининг улуши **69 фоиз** (7,7 млрд сўм), “Музораба” **19 фоиз** (2,1 млрд сўм) ва “Исломий ижара” хизматларининг улуши **12 фоиз** (1,4 млрд сўм)ни ташкил этган. Бунда, хизмат турлари бўйича ўсиш даражаси “Муробаҳа”да – **20 баробар**, “Исломий ижара”да – **300 баробар** бўлган.

“Музораба” хизматини кўрсатиш 2025 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб йўлга қўйилган.

Исломий молиялаштириш хизматлари субъектлар кесимида



Манба: Марказий банк маълумотлари


Субъект турлари бўйича 2026 йилнинг январь-март ойларида кўрсатилган жами молиявий хизматларда **юридик шахсларга** жами **5,2 млрд сўмлик** (улуши – 46 фоиз, ўсиш – 12 баробар), шундан **5,1 млрд сўмлик** “Муробаҳа”, **60 млн сўмлик** “Исломий ижара” шартномалари;

Жисмоний шахсларга жами **2,9 млрд сўм** (улуши – 26 фоиз, ўсиш – 4 баробар), шундан **2,1 млрд сўмлик** “Музораба” ва **811,3 млн сўмлик** “Муробаҳа” шартномаси асосида;

Якка тартибдаги тадбиркорларга жами **3,1 млрд сўмлик** (улуши – 28 фоиз, ўсиш – 20 баробар), шундан **1,8 млрд сўмлик** “Муробаҳа”, **1,3 млрд сўмлик** “Исломий ижара” шартномалари асосида исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатилган.

6-чизма

2026 йил январь-март ойларида ҳудудларда кўрсатилган молиявий хизматларнинг маҳсулотлар кесими бўйича ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳудудлар кесимида 2026 йилнинг январь-март ойларида жами кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар Тошкент ва Наманган вилоятларида фаолият юритаётган микромолия ташкилотлар ҳиссасига тўғри келиб, **Тошкент шаҳрида** фаолият кўрсатаётган **3 та** микромолия ташкилотлари томонидан жами **10,6 млрд сўмлик** (жамидеги улуши – 94%, ўсиш – 25 баробар), шундан **7,1 млрд сўмлик** (67%) “Муробаҳа”, **2,1 млрд сўмлик** (20%) “Музораба” ва **1,4 млрд сўмлик** (13%) “Исломий ижара” шартномаси асосида исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатилган.

Ҳамда **Наманган вилоятида** ташкил этилган **1 та** микромолия ташкилоти томонидан жами **670 млн сўмлик** (*улуши – 6%*) исломий молиялаштиришга оид хизматларнинг барчаси “Муробаҳа” шартномаси ҳиссасига тўғри келади.

7-чизма

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган исломий молиялаштиришга оид хизматлар ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари